

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИ ЖАМЛАНГАН ПОКИСТОНДАГИ МАНБА

Наврўзова Гулчехра Нигматовна

Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси
профессори, фалсафа фанлари доктори

Тел: +998914117707 email:

premium.progress@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳозиргача имий жамоатчиликга маълум бўлмаган Покистонда нашр этилган ва Муҳаммад Содиқ Қусурий томонидан тартибга келтирилган “Рубоийети Хожа Нақшбанд” асари ҳақида маълумот берилган.

***Калим сўзлар:** Баҳоуддин Нақшбанд, сўфий, рубоий, шарҳлар, Муҳаммад Содиқ Қусурий, “Рубоийети Хожа Нақшбанд”, қаноат, яқин.*

ABSTRACT

The article presents information about the work of Bahauddin Naqshband, the founder of Naqshbandiyya, published in Pakistan under the editorship of Muhammad Sadiq Kusuri, who is not yet known to the general public.

***Key words:** Bahauddin Naqshband, Sufi, rubai, comments, Muhammad Sadiq Kusuri, “Rubayoti Khoja Naqshband”, satisfaction, completion.*

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда учун маънавий меросимизнинг аҳамияти катта. Маънавий меросимизнинг қивматбаҳо хазиналаридан бири тасаввуф фалсафасидир. Тасаввуф таълимотининг меъёрдаги, хушёрлик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварликка асосланган йўлларида бири Нақшбандия таълимотидир. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий (1318-1389)дир[5,7-11]. Баҳоуддин Нақшбанд маънавий мероси ҳақида “Мақомот” [2] рисоалар[13,14] асосида маълумотга эга бўлдик. Унинг “Аврод” [3] рисоласи ва қудсий, ҳикматли сўзлари[6] ҳақида тадқиқотлар олиб бордик. Аммо тадқиқ этилган манбаларда рубоийлари ҳақида жуда оз маълумот топган эдик. Яқинда Покистонда нашр этилган Баҳоуддин Нақшбанд рубоийлари жамланган манбани[1] топишга муяссар бўлдик. Бу манба Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларини мукамал ўрганиб фалсафий таҳлил этишга имкон беради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Баҳоуддин Нақшбанд рубойлари жамланган манбанинг номи “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” дир[1]. “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асарини топишга ёрдам берган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Илмий тадқиқотлар бўлими бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим Меҳрождин Амоновга миннатдорчилик изҳор қиламиз. Бу асар 1997 йилда Покистоннинг Лаҳор шаҳрида чоп этилган. Манбада китобнинг номи “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” эканлиги ва уни тартибга келтириб, урду тилига шарҳ этган олимнинг исми Муҳаммад Содик Қусурий эканлиги қайд этилган.

“Рубоиёти Хожа Нақшбанд” 184 саҳифадан иборат. 12-39-бетларда “Муқаддима” ёзилган. “Муқаддима”нинг муаллифи Ҳазрат профессор Сайид Муҳаммад Зокир Ҳусайн Шоҳ Соҳиб Чишти Силвий Мад Зиллий (Равалпинди) дир. Урду тилида ёзилган асарнинг “Муқаддима” қисмини филология фанлари доктори (PhD), Тошкент давлат шарқшунослик университети “Урду тили, адабиёти, Покистон маданияти ва тарихи” кафедраси мудири Шарахметова Мухлиса Ансоридиновна таржима этишга ёрдам берганлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

Манбадан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанднинг 137 рубойлари бор экан. Бу Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қиррасини бизга намоён этади ва уларни ўрганиш вазифасини кўяди.

Биз Баҳоуддин Нақшбанднинг 137 рубойсини араб графикасидан кирилл графикасига ўгириб, “Баҳоуддин Нақшбанд Рубойлар” номи билан Бухоронинг “Дурдона” нашриётидан 2023 йилда нашр этдик[4]. Бу рисола 84 бетдан иборат бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд рубойларини манбада рақамлаштирилган кўринишида ва саҳифалари кўрсатилган ҳолда чоп этилган.

Рубойлар таҳлили кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд бу шеърят туридан яхши хабардор бўлган. У кишининг рубойлари мазмун жиҳатидан Абу Саид Абул Хайр, Умар Хайём, Абдулхолик Ғиждувоний, Хожа Али Ромитаний ғоялари билан уйғундир. Улар муножот кўринишига ёзилган бўлиб тавҳид, инсон, комил инсон, нафс, ақл, қалб каби тушунчаларни фалсафий таҳлил этишга ёрдам беради.

“Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асарининг 8-рақамли рубойсида инсон қаноат қилганида камолга етиб яқин илмидан баҳраманд бўлишини Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлаган.

يارب ز قناعتم توانگر گردان
و از نور يقين دلم منور گردان

اسباب من دل بند سرگردانرا
بی منت مخلوق میسر گردان

Ё Раб, зи қаноатам тавонгар гардон,
В-аз нури яқин дилам мунаввар гардон.
Асбоби мани дилбандаи саргардонро,
Бе миннати махлуқ муяссар гардон[1:48].

Мазмуни:

Ё Парвардигор, қаноатим ила мени қудратли қил,
Яқин нуридан қалбимни мунаввар қил.
Сенга кўнгил боғлаган бу саргардон асбобини,
Махлуқ миннатисиз муяссар қил.

Баҳоуддин Нақшбанд бу рубоийлари билан сабр ва қаноат инсонни куч-қудратли ва имконияти кенг қилишини таъкидламоқда. Қаноатли инсон қалби яқин нуридан мунаввар бўла олишини кўрсатмоқда. Шоҳ Нақшбанд қалбини Оллоҳга боғлаган инсон сифатида мушқилларни махлуқ – халқ қилинганлар миннатисиз муяссар қилишни сўрайди.

Яқин - Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, асл зотнинг (Тангрининг) нури ва сифатларини идрок этишдан иборатдир. Баҳоуддин Нақшбанд “Аврод” рисоласига ёзилган “Қанз ал ибод” шарҳида “яқин” уч даражада бўлиниши кўрсатилган: 1. Илм-ал яқин - бу Асл зотнинг нури ва сифатларини билиш, у далиллар босқичидан бошланади. Бу илмга эга бўлганларда маърифат ҳоли бўлади ва бу даража авлиёларнинг мартабасига тўғри келади. 2. Айн-ал яқин - бу босқичдаги билиш футуҳлар билан боғлиқ бўлади. Унинг ҳолати жаъмдир. Бу даража хос авлиёларнинг мартабасидир. 3. Ҳаққ-ал яқинда инсон муфассал билимга эга бўлади. Унинг ҳоли жамъ-ул жаъмдир. Бу расул ва набийлар ва ҳақиқат аҳлининг даражасидир. Қуръони каримнинг “Такассур” сурасида “яқин” ҳақида оят бор.

Илм-ал-яқин тасаввуф маърифатининг аввалги зинасидир. Унинг натижасида касб қилинган билим орқали илоҳий моҳият амалга ошади.

Айн-ал яқин илм-ал яқиндан кейинги тасаввуфий маърифат зинасидир. Бу зинадагиларга илоҳий сирлар кашф бўлади.

Ҳаққ-ал-яқин тасаввуфий маърифатнинг охириги зинасидир. Унинг воситаси ила ҳақиқатни тўла идрок қиладилар[12].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, яқин илми орқали сўфий Тангрини зоти ва сифатларининг нурларини идрок қилади.

ХУЛОСА

1. Покистонда нашр этилган “Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асари Баҳоуддин Нақшбанддан 137 та рубоий сақланганлиги исботловчи манбадир.

2. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларини мазмун-моҳиятини англаб фалсафий таҳлил этиш шу соҳа мутахассисларининг вазифасидир.

3. Рубоийларга ёзилган шарҳларни урду тилидан таржима этиб герменевтик услубда тушуниш ва тушунтириш долзарб вазифадир.

REFERENCES

1. رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ ۱۸۴ صحيفه
2. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.
3. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи, таржимон Г.Н Наврўзова. Т.: “Sano standart” нашриёти, 2019. 112 б.
4. Баҳоуддин Нақшбанд. Рубоийлар. Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2023 – 84 б.
5. Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. Т.: “Sano standart” нашриёти, 2019. 256 б.
6. Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г. Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. “Sadriiddin Salim Vuxoriy”. “Durдона” nashriyoti. 2020. 52 б.
7. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.
8. Наврўзова Г. Н Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.
9. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011. 24 б.
10. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

11. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). *Islom tafakkuri* (Maxsus son), 2020. 5-8-б.
12. Наврӯзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд илм хусусида. *Islom tafakkuri* (Maxsus son), 2023. 2-сон. 3-10-бет.
13. Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 456 б.
14. Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. (Дӯстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи. С. Раҳмонов. Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар университети” нашриёти, 2022. 78 б.